

2022 йил «07» декабрь

Фаргона ш.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти**Фаргона филиали, раҳбари А.М.Тишабаев**

(Хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

бундан буён бир томонидан «Харидор» деб юритилади, Низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томонидан «UNIX» Ўқув-Компьютер Маркази МЧЖ раҳбари А.А.Юсунов, Низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Етказиб берувчи» деб юритилади ва қуйдагилар ҳақида ушбу шартнома тўз илди.

1 - ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Етказиб берувчи» ўз ига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса тўловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сўнг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

2 - ШАРТНОМА НАРХИ

Т/Р	Маҳсулот номи	Ўлчов бир.	Миқдори	Нархи	Қиймати	ККС		ККС қиймати билан
						%	Сумма	
1.	Персональный компьютер: Материнская плата MB H510 DDR4 LGA1200/ CPU Core i5 10400 4M, оет, LGA1200 +Cooler/ DDR4 8GB 2666Mhz/ SSD 128GB SATA 2,5"/ HDD 500GB/ CASE ATX 450W/ 24" Monitor (HDMI+VGA) Комплект клавиатура +мышь)	дона	2	5 478 000,00	10 956 000,00	15	1 643 400,00	12 599 400
	ЖАМИ:				10 956 000,00		1 643 400,00	12 599 400

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: 12 599 400 (Ун икки миллион беш юз тўқсон тўққиз минг тўрт юз) сўм. ККС билан.
(рақамлар, ёзувлар билан)

3 - ҲИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» олдиндан шартнома суммасининг 30% миқдорида пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.
3.2. «Харидор» томонидан қолган 70% тўлови «Етказиб берувчи» томонидан товарлар етказиб берилиб, ҳисоб варақ-фактура тақдим қилингандан сўнг 10 банк куни ичида тўлаб берилади.

4 - ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Етказиб берувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 5-кун ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

5 - ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати) ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

6 - ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Етказиб берувчи» мажбуриятлари:

-Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;
-Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бўзилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;
-Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10-кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2 бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

-«Етказиб берувчи» етказиб берган маҳсулотларнинг ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитлари расмийлаштирилиши шарт.

6.2. «Харидорнинг» мажбуриятлари:

-«Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарларни далолатнома тўзиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

-Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 5 кун ичида «Етказиб берувчи»ни огоҳлантириш.

-Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

7 - ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Етказиб берувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун етказиб берилмаган товар қийматининг 0.5% миқдорида «Харидор»га пеня тўлайди, пеня миқдори етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларига кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 20% миқдориди жарима тўлайди.

7.4. «Харидор» олинган товар учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаси ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдориди аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5. Текширув органлари томонидан маҳсулот нарҳи қиммат деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

8 - ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулодда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларнинг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1-ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

9 - ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаси иқтисодий суд ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «7» декабр дан 2022 йил «31» декабр гача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бошқармаси (бўлим)да руйхатдан утказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

10 - ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«UNIX» Ўқув-Компьютер Маркази МЧДК
Фаргона ш., Ватан равнақи к-си, 28^{А»}-уй

Тел./факс: (73) 244-84-00

Х/Р.: 20 208 000 000 216 584 001

АТ Ҳалқ банки, Фаргона вил. ҳудудий фил.

Банк коди (МФО): 00 497

СТИР: 200 149 084

ОКЭД: 46510



раҳбар А.А.Юсупов

Хукуқиётнос:

[Signature]
(И.Ш.)



ш/к. 100010860304017096200135001
с/р 305902384 с/рар.вил. Тошкент
МФО 00014 с/р 201122919
РС 234020003001100001010



раҳбар А. Ишмаев

[Signature]
(Ф.И.Ш.)